
Ўзбекистон тумани Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига раҳбар тайинланди

Тўйчиев Равшанжон Муродович Ўзбекистон тумани Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази бошлиғи этиб тайинланди.

Бу ҳақда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг тегишли буйруғи қабул қилинди.

Равшанжон Тўйчиев 1985 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. Маълумоти олий, 2009 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Фарғона “Микрокредитбанк” АТБ да бошлаган. 2011-2019 йилларда “Қўқон минтақавий темир йўл узели” УК нинг бўлимларида иқтисодчи, бош ҳисобчи стажери, Қўқон шаҳар Инвестиция ва ташқи савдо бўлими бош мутахассиси, бошлиқ ўринбосари вазифаларида фаолият юритган. 2019 йилнинг ноябр ойидан тайинловга қадар Қўқон шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири лавозимида ишлаган.

2022-01-27 10:28:12